

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВА ГУЗАЛБЕГИМ МУРОДОВНА**

**АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори  
(Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори  
(doctor of philosophy) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии  
(doctor of philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy  
(doctor of philosophy) on economic sciences**

**Рахимова Гузалбегим Муродовна**

Асосий воситалар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида  
такомиллаштириш..... 3

**Рахимова Гузалбегим Муродовна**

Совершенствование учета и аудита основных средств в  
соответствии с международными стандартами..... 27

**Rakhimova Guzalbegim Murodovna**

Improvement of accounting and auditing of fixed assets in accordance  
with international standards ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВА ГУЗАЛБЕГИМ МУРОДОВНА**

**АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ХАЛҚАРО**  
**СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори**  
**(Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt342 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч гилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Илхамов Шавкат Исломович  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий ошпонентлар:** Ибрагимов Абдугапур Каримович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
Тўрасев Абдурахим Нуртожиевич  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Андижон кичиклоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.1.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 24» 07 соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1050 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz).)

Диссертация автореферати 2021 йил « 11 » 07 кунни таркатилди.  
(2021 йил « 11 » 07 даги 13 рақамли реестр баённомаси).



Н.Х.Жумасев  
Илмий даражасини берувчи Илмий  
кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердияров  
Илмий даражасини берувчи Илмий  
кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

С.К. Худайкулов  
Илмий даражасини берувчи Илмий  
кенгаш котибидаги илмий семинар раиси,  
и.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётида корхоналар асосий фондларидан самарали фойдаланишга доир бошқарув қарорлари қабул қилиш учун ишончли ахборотга эга бўлиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ҳамда аудит соҳаларига замонавий усулларни жорий қилиш масалалари катта эътиборни талаб қилади. Манбаларга кўра, асосий воситаларнинг таркибий қисмининг ҳажми ошиб бормоқда. Масалан, Халқаро Молия Корпорациясининг (IFC) ўзи 2020 йилда «COVID-19 билан боғлиқ глобал муаммоларга қарамасдан бизнеснинг асосий фондларига 22 млрд. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритган. Кўпгина хорижий мамлакатларда капитал харажатларининг 60 фоизи асбоб-ускуналар сотиб олишга сарфланади»<sup>1</sup>. Шу билан бирга, бугунги кунда асосий воситалар ҳисоби ва аудитини ўтказишда қўлланилаётган усуллар ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттирилаётган маълумотлар инвесторлар, менежерлар ва бошқа ахборотдан фойдаланувчиларнинг талабларига тўлиқ мувофиқ келади, деб бўлмайди. Шунинг учун асосий воситалар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ҳисоб ва аудитнинг илғор услубиётини жорий қилиш асосида ахборотнинг ишончилиги, муҳимлиги ва тўлиқлигини таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ҳамда бизнесни ривожлантириш учун асосий фондларга киритилган сармояларнинг самарадорлигини аниқлаш, асосий воситаларни тан олиш, баҳолаш, таснифлаш, ҳисобга олиш, ҳисоботларда акс эттириш ва унинг аудитини такомиллаштиришга бағишланган илмий изланишларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижада мулк (шу жумладан ер), бино ва иншоотлар, машина ва асбоб-ускуналарни ҳаққоний қийматда баҳолаш ва қайта баҳолаш (доимий баҳолаш), уларни илмий таснифи бўйича молиявий ҳисоботда акс эттириш, асосий воситаларга амортизация (эскириш) ҳисоблаш, харажатларни капиталлаштириш, мулкнинг кадрсизланиши ҳисоби ҳамда аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича умумий талаблар шакллантирилган.

Ўзбекистонда 16-сон БҲХС (IAS) «Мулк, машина ва асбоб-ускуналар» ҳамда асосий воситаларга оид аудитнинг халқаро стандартлари жорий этилган. Шу билан бирга, республикамизда асосий воситаларнинг халқаро стандартларга мувофиқ таърифи, тан олиш мезонлари, таснифи, мулк (ер), завод, машина ва асбоб-ускуналарни давомий баҳолаш, депрессияция (эскириш) усуллари, кадрсизланиши ҳисоби, асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисобот шакллари ҳамда аудитининг мукамал тартиб-таомиллари ишлаб чиқилмаган. «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан комплекс

<sup>1</sup> [https://www.ifc.org/wps/wcm/connect/corp\\_ext\\_content/ifc\\_external\\_corporate\\_site/annual+report/download](https://www.ifc.org/wps/wcm/connect/corp_ext_content/ifc_external_corporate_site/annual+report/download)

чора-тадбирлар амалга ошириш зарур»<sup>2</sup>. Шу жиҳатдан бугунги кунда асосий воситалар ҳисоби ҳамда аудиторлик таҳлилини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалалари бўйича алоҳида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 24 августдаги 507-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги, 2019 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ 4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги низом ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Халқаро аудиторлик ташкилоти Price water house Coopers, Европа ва АҚШ унверситетлари олимлари David Annand, Б.Нидлз, Wayne Bartlett, Raymond H. Peterson, Lúci, a Pérez-López, David Edgerton Fсра,<sup>3</sup> узоқ муддатли активлар ҳисобининг концептуал асослари, шунингдек, «Мулк, машина ва асбоб-ускуналар»ни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг методологик жиҳатларини тадқиқ этганлар.

Россиялик олимлардан В.Д.Андреев, Э.А.Аренс, Ю.А.Бабаев, А.М.Богомолов, К.Друри, Г.Касьянова, О.С.Краснова, А.М.Богомолов, В.В.Бурцев, Г.Касьянова, Г.Касьянова, А.К.Макальская, В.Ф.Палий, К.Друри, Т.Собуа, А.М.Сонин, Л.В.Сотникова, Т.Собуа, А.Д.Шереметлар бухгалтерия

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.02.2020 й. ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

<sup>3</sup> David Annand. (Based on International Financial Reporting Standards). – Second Edition. – Athabasca: Valley Educational Services Ltd. Athabasca University, 2016. – 1008 p.; Kaplan PwC; ACCA В рамках Диплома ACCA «Финансы и Управление Бизнесом» «Финансовая Отчетность» Учебник. Financial Limited, 2020; King Alfred M. Internal Control of Fixed Assets: A Controller and Auditor's Guide. Wiley, 2011 – 192 p.; Lúci, a PÉREZ-LÓPEZ, José A ABREU, Rute Property, plant and equipment: The case study of the railway sector in Portugal Recibido/Received: 29/04/2020 • Aprobado/Approved: 30/06/2020 • Publicado/Published: 23/07/2020. Raymond H. Peterson Accounting for Fixed Assets 2nd Edition; Б.Нидлз/ и др. Принципы бухгалтерского учета/Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл. – М.: Финансы и статистика. 2003. – 496 с.; Учебное пособие ACCA ДипИФР. Июнь, 2020.

ҳисоби, акциядорлик жамиятларда ички аудитни ташкил қилиш ва уни ўтказиш методикаси, ҳисоб ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, ички назорат ва ҳоказолар бўйича тадқиқотлар олиб борган.<sup>4</sup>

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришда мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Н.Б.Абдусаломова, К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дусмуратов, Ш.И.Илхамов, И.Н.Исманов, Н.Ф.Каримов, Д.К.Кудбиев, И.Н.Қўзиёв, Б.Ю.Мақсудов, М.Д.Маткаримов, С.У.Меҳмонов, А.Х.Пардаев, М.Қ.Пардаев, С.Н.Ташназаров, А.Ж.Туйчиев, К.Б.Уразов, Б.А.Хасанов, К.Х.Хотамов, Ш.Т.Эргашева, К.Хотамовларнинг<sup>5</sup> илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этади.

<sup>4</sup> Андреев В.Д. Внутренний аудит. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 464 с.; Арнс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит. пер. с англ. гл. ред. серии. UNCTC проф. Я.В.Соколов. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 560 с.; Бабаев Ю.А., Петров А.М., Бухгалтерский учет. 6-е издание. Учебник. Проспект. 2018.; Богомолов А.М. Внутренний аудит. Организация и методика проведения. – М.: Экзамен, 2000. – 192 с.; Бурцев В.В. Стандартизация внутреннего аудита в акционерном обществе. – М.: Аудитор, 2002. – 48 с.; Друри К. Управленческий и производственный учет. – М.: ЮНИТИ, 2002. – 312 с.; Касьянова Г.: Основные средства: бухгалтерский и налоговый учет. АБАК, 2019 й. 304 с. ISBN: 978-5-9748-0593-6; Краснова О.С., Сергеева Т.Ю., Основные средства организации. М.МФПА, 2011, – 160 с. ISBN: 978-5-902597-83-4 б. Макальская А.К. Внутренний аудит: учебно-практическое пособие. – М.: Дело и Сервис, 2001. – 112 с.; Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. 3-е изд., испр. и доп. – М.: 2007. 456 с.; Собуа Т. Организация и методика внутреннего аудита хозяйствующих субъектов. Автореф. дисс. на соис. ученой степени к.э.н. Воронеж. 2009. – 23 с.; Сонин А.М. Внутренний аудит. Современный подход. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 64 с.; Сотникова Л.В. Внутренний контроль и аудит. Учебник. – М.: Финстатинформ, 2000. – 239 с.; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. 5-е изд., перераб. и дополненное. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 448 с.

<sup>5</sup> Абдусаломова Н.Б. Бошқарув ҳисоби тизмида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: 2019. 75-б.; Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2016. 42-б.; Дусмуратов Р.Д., Тулаев У.И. Молиявий ҳисобот: назарий, услубий ва амалий жиҳатлари. – Т.: «Extremum-Press», 2012, – 144 б.; Ибрагимов А.К., Каримов А.А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 143 б.; Илхамов Ш.И. Амалий аудит. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2018 й.; Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. Тошкент, 2009 й.; Каримов Н.Ф.Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш муаммолари: Дис. автореф. иқт. фан. д-ри. – Т.: 2007.; Кудбиев Д. Учет и анализ основных фондов в торговле в новых условиях хозяйствования: диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук Москва – 1991 г.; Қўзиёв И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш.// и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2017. – 70 б.; Мақсудов Б.Ю., Замонавий бошқарув ҳисобининг хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантиришдаги роли / Иқтисодиёт ва таълим, 2012. №3. – 1-8-б.; Маткаримов Д., «Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш»//и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2019. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2018.; Пардаев А.Х., Пардаева З.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. – Т.: «Иқтисод-Молия». 2019 й. – 538 б.; Н.К.Ризаев. Внедрение международных стандартов (МСФО) в финансовых отчётах банков. Материалы МНПК «Актуальные вопросы совершенствования системы учета, анализа и аудита в организациях». 13 февраля 2014 г., ст. 207-211.; Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Солиқ Академияси, 2009. – 76 б.; Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик – Т. «Иқтисод-Молия», 2019; Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий методологик муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент. 2011. 71-б.; Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. – Т.: Фан, 2005. – 236 б.; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби (Дарслик) / Хасанов Б.А., Хашимов А.А., – Б.м.: Т.: «Иқтисод-молия», 2005. – 306 с.; Хотамов К.Х., Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш.//и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2019. Эргашева Ш.Т. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебник. – Т.: ТГЭУ, 2021 г. – 310 стр.;

Аммо, таъкидлаш жоизки, номлари юқорида тилга олинган муаллифларнинг тадқиқотларида мулк (ер), завод, машина ва асбоб-ускуналарни тан олиш, давомий баҳолаш, кадрсизланиши, тасарруф этилиши жараёнлари ҳисоби ҳамда аудитининг илғор усуллари халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибалардан мамлакатимизда фойдаланиш масалалари чуқур тадқиқ этилмаган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу мавзуда илмий-тадқиқот олиб бориш, шунингдек, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-6-сонли «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётининг концептуал йўналиши» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисоби ва аудити усуллари халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

халқаро стандартларга мувофиқ равишда асосий воситалар атамасининг ўрнига «Мулк, машина ва асбоб-ускуналар» тушунчасини киритиш ҳамда уни тан олиш мезонларини асослаш;

асосий воситалар таннархининг шаклланиши, уларни синфларга ажратиш борасида илғор тажрибаларни жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб, «Мулк, машина ва асбоб-ускуналар» бошланғич қиймати ва қайта баҳолаш моделларида давомий баҳолаш бўйича услубий тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш;

асосий воситаларга депресиация (эскириш) ҳисоблаш усуллари ҳамда таъмирлаш харажатлари, кадрсизланиши ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

халқаро талаблардан келиб чиқиб «молиявий ҳисобот шакли» (бухгалтерия баланси)да асосий воситалар таркибини такомиллаштириш;

«мулк, машина ва асбоб-ускуналар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»нинг янги шаклини таклиф этиш;

асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

асосий воситаларнинг халқаро стандартлар асосидаги аудити услубиётини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси тизимидаги хўжалик юритувчи субъектлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни асосий воситалар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.



**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, статистик, иқтисодий таҳлил, иқтисодий-математик таҳлил, дисконтлаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мулк, машина ва асбоб-ускуналарни баҳолашда «тан олиш», «адолатли (ҳаққоний)» ва «дисконтланган қиймати» мезонлари ишлаб чиқилган;

«Ўзбекнефтгаз» АЖда «мулк, завод, машина ва асбоб-ускуналар»ни бошланғич ҳамда қайта баҳоланган қийматлари бўйича ҳисобга олишда давомий баҳолашнинг кетма-кетлигини ҳисоб сиёсатига киритиш таклиф этилган;

хўжалик юритувчи субъектларда «мулк, завод, машина ва асбоб-ускуналарнинг ҳаракати тўғрисида»ги ҳисобот шакли ишлаб чиқилган;

хўжалик юритувчи субъектларда қатъий белгиланган шаклларни тўлиқ юритиш орқали «мулк, завод, машина ва асбоб-ускуналар» аудитининг таҳлилий амалларини ўтказишнинг босқичлари таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мулк, машина ва асбоб-ускуналарни халқаро стандартларга мувофиқ равишда тан олиш мезонлари ва таснифи таклиф этилган;

асосий воситаларни бошланғич ва қайта баҳоланган қийматлари бўйича давомий баҳолаш моделлари ишлаб чиқилган;

«мулк, завод, машина ва асбоб-ускуналарнинг ҳаракати тўғрисида»ги консолидациялашган ҳисоботнинг таркибий шакли таклиф этилган;

асосий воситаларнинг аудиторлик текширувини халқаро стандартлар асосида ташкил этишда қўлланиладиган аудитнинг умумий режаси ва дастурининг намунавий шаклига аудиторлик тадбирлари рўйхати, олиб бориладиган аудиторлик амалларидаги хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини киритиш таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган фундаментал-назарий ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, расмий статистик маълумотлардан фойдаланилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотномаси, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлардан бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича дарсликларда ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда фойдаланиш, хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситаларни тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисобини юритиш ҳамда аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан хўжалик юритувчи субъектларда мулк, машина ва асбоб-ускуналарини МҲХС асосида ҳисобга олиш ва аудитдан ўтказиш, асосий воситаларни ҳаққоний қийматида акс эттириш, асосий воситалар тўғрисидаги ахборотдан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига монанд маълумотларни тайёрлаш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Асосий воситалар ҳисоби ва аудити усулларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар:

мулк, машина ва асбоб-ускуналарни баҳолашда «тан олиш», «адолатли (ҳаққоний)» ва «дисконтланган қиймати» мезонларини киритиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2021 йил 23 мартдаги 17-01-37/87-681-сон, «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 2 апрелдаги 295/86-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши мулк, машина ва асбоб-ускуналарни халқаро стандартлар асосида баҳолаш орқали уларнинг ҳаққоний қиймати орқали кирим қилиш, амортизация ҳисоблашда ҳисобдан чиқариш тартиби молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқлаштириш бўйича республикада белгиланган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

бошланғич ҳамда қайта баҳоланган қийматлари бўйича ҳисобга олишда давомий баҳолашнинг кетма-кетлигини киритиш таклифи «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2020 йил 15 июн 201-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 2 апрелдаги 295/86-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни қўллаш натижасида «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва унинг таркибидаги субъектларда «мулк, завод, машина ва асбоб-ускуналар»ни бошланғич ҳамда қайта баҳоланган қийматлари бўйича ҳисобга олиш тартиби «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2020 йил йиллик фойдасини 12,7 фоизга ошишига эришилган;

«мулк, завод, машина ва асбоб-ускуналарнинг ҳаракати тўғрисида»ги консолидациялашган ҳисоботнинг шакли тўғрисидаги маълумотларни киритиш асосида такомиллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2021 йил 23 мартдаги 17-01-37/87-681-сон, «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 2 апрелдаги 295/86-сон, «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси 2021 йил 15 мартдаги 22/325-сон маълумотномалари). Ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг «мулк, завод, машина ва асбоб-ускуналарнинг ҳаракати тўғрисида»ги ҳисоботлари маълумотларининг ишончлиги, тўлиқлиги ва объективлигини оширишга эришилган;

хўжалик юритувчи субъектларда қатъий белгиланган шаклларни тўлиқ юритиш орқали «мулк, завод, машина ва асбоб-ускуналар» аудитининг таҳлилий амалларини ўтказиш босқичлари таклиф этилган. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2021 йил 23 мартдаги 17-01-37/87-681-сон, «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 2 апрелдаги 295/86-сон, «Ўзқурилишматериаллари» уюшмасининг 2021 йил 15 мартдаги 22/325-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши аудит сифатининг ошишига, аудиторлик хулосаларининг асосланганлигини таъминлашга, молиявий ҳисобот ахборотларининг ҳаққонийлигини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 2 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, шундан 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамиятининг муҳимлиги илмий очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Рақамли иқтисодиёт шароитида асосий воситалар ҳисоби ва аудитининг назарий ва услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида асосий воситаларга ҳисоб ва аудит объекти сифатида таъриф берилган, асосий воситалар ҳисобининг концептуал асослари, халқаро ва миллий жиҳатлари ҳамда «Мулк, машина ва асбоб-ускуналар»ни таснифлаш масалалари очиб берилган. Асосий воситалар ҳисоби ва аудитининг усуллари, услублари ва методикаси каби масалалар кўплаб олимлар томонидан ўрганилган. Диссертация ишида айнан 16-сон БҲХС (IAS) 16 «Мулк, машина ва асбоб ускуналар» номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартини амалиётга жорий қилиниши, ҳисоб, таҳлил ва аудитнинг услубий асослари назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган. Иқтисодий амалиётда «асосий восита» атамаси кўпинча «асосий фондлар» ва «асосий капитал» каби тушунчалар билан айнанлаштирилади ва оқибатда турли қарашларни келтириб чиқаради. Олимларнинг «асосий восита»га берган ҳар хил таърифлари 1-жадвалда келтирилган.

Олимларнинг «Асосий воситалар»га берган таърифлари<sup>6</sup>

Муаллиф	«Асосий воситалар» атамасига таъриф
<b>В.К.Скляренко, В.М.Прудникова<sup>7</sup></b>	Асосий воситалар – узоқ вақт давомида ишлаб чиқариш жараёнида фаолият кўрсатадиган, бутун давр мобайнида ўз табиий ва моддий шаклини сақлаб қоладиган ва амортизация тўловлари шаклида эскирадиган маҳсулотларга ўз қийматини қисмларга бўлиб ўтказадиган ишлаб чиқариш, моддий ва моддий қийматликлар мажмуи [49 бет]
<b>В.Ф. Гарбузов<sup>8</sup></b>	Асосий воситалар – мавжуд асосий фондларга қўйилган (киритилган) пул маблағлари [385 бет]
<b>Л. Кураков<sup>9</sup></b>	Асосий воситалар – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадларидаги меҳнат воситалари (бинолар, иншоотлар, машина ва механизмлар, инвентарлар, транспорт воситалари) [51 бет]
<b>Л.А. Аюпова<sup>10</sup></b>	Асосий воситалар ишлаб чиқариш ва моддий қийматликлар ишлаб чиқариш жараёнида фаолият кўрсатиб, ўз моддий шаклини сақлаб, қийматини амортизация шаклида ишлаб чиқариш маҳсулотларига ўтказиши [13 бет]
<b>М.З. Пизенгольц<sup>11</sup></b>	Асосий воситалар инсон ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида меҳнат объектларига инсон таъсирини ўтказувчи сифатида фойдаланадиган меҳнат воситасидир [60 бет]
<b>И.Н.Исманов<sup>12</sup></b>	Асосий воситалар – корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиладиган моддий активлар
<b>А.Шакаров</b>	Асосий воситалар – саноат бинолари, иншоотлар, куч ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, ишлаб чиқариш ускуналари, транспорт воситалари ва бошқа турдаги асосий воситалар

Асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги иқтисодий моҳияти ва ўрни доимо иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги олим ва мутахассислар ўртасида муҳокама мавзуси бўлиб келган. Бу борада мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ҳам асосий воситаларнинг турли жиҳатларини ўрганган. Чунончи, Э.Гадоев, Н.Хасанов, Л. Югай асосий фондларга «моддий ва номоддий активлар мажмуи» сифатида таъриф беради.

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>7</sup> Скляренко В.К., Прудников В.М. экономика предприятия, изд.2.Издательство: Инфра-М. 2019 г. 256 стр.

<sup>8</sup> Финансово-кредитный словарь: [В 3 т.] / Гл. ред. В. Ф. Гарбузов 2-е изд. – М.: Финансы и статистика, Том-1 Т.:Сост. В. К. Сенчагов и др. 2005 г. – 900 с

<sup>9</sup> Кураков Л.П. Экономика и право: большой толковый словарь-справочник. – М.: Вуз и шк., 2003 (Чебоксары : РГУП ИПК Чувашия). – 866 с.


<sup>10</sup> Аюпова Л.А. Эволюция понятия основных средств в России. Л.А. Аюпова//В сборнике: Бухгалтерский учет, анализ и аудит в современных условиях: Материалы Всероссийской заочной научно-практической конференции. – 2017. – С. 13-19

<sup>11</sup> Пизенгольц М.З. Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве [Текст] / М.З. Пизенгольц. – М.: Инфра-М, 2014. – 520 с.

<sup>12</sup> Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. авторефати. Тошкент: БМА – 2009. – 33 б.

А.Шакарров «Асосий воситалар - саноат бинолари, иншоотлар, куч ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, ишлаб чиқариш ускуналари, транспорт воситалари ва бошқа турдаги асосий воситалар» деб изоҳлайди.

16-БҲХС «Мулк, машина ва асбоб-ускуналар» (Property, Plant and Equipment) деб номланади. Ушбу стандарт турли манбаларда турлича таржима қилинган: «Мулк, заводлар ва асбоб-ускуналар ҳисоби», «Мулк, машина ва асбоб-ускуналар ҳисоби» ёки «Ер мулки, заводлар ва асбоб-ускуналар», «Мулк, қурилмалар ва ускуналар» (1-расм).



1-расм. Мулк, машина ва асбоб-ускуналар атамасининг таркибий тузилиши.

С.У.Меҳмонов Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг айрим объектлари бўйича тавсияларни «Асосий воситалар» Бюджет ҳисоби стандартлари асосида келтиради<sup>13</sup>.

Бу жараёни янада ривожлантирган ҳолда, Давлат сектори ташкилотлари учун яратилган, 16-сонли МҲХС «Асосий воситалар»нинг конвергенцияси 17 IPSAS (Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби Халқаро Стандарти) Property, Plants, and Equipment деб номланади.

БҲХС 16 (IAS) га асосан: Property - Мулк - ер, ер участкалари ва бинолар; Plant- Заводлар, машиналар - Ер ости, ер усти, ҳаво ва сув транспорт воситалари; Equipment – Ускуналар, Мебель ва муҳандислик ускуналарининг кўмилган элементлари ва офис жиҳозлари. (2-расм)

<sup>13</sup> С.У.Меҳмонов. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати. ТМИ. 2018 й. Б-24.



2-расм. Асосий воситалар миллий ва халқаро стандартлар асосида туркумланиши<sup>14</sup>

Иқтисодчи олим С.Н.Ташназаров томонидан илк бор «асосий воситалар» яъни, «fixed assets» атамасининг ўрнига «Мулк, завод ва асбоб-ускуналар» ёки «Property, Plants, and Equipment» (расмий қисқартирмаси PP&E) атамасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги ғарб олимларининг фикрлари асосида изоҳланган.

БХХСнинг таркий қисми бўлган узоқ муддатли активларни қўллашда «fixed assets - асосий воситалар» атамасига эътибор қаратилган.

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Узоқ муддатли моддий активлар таркибида салмоқли ҳиссани ташкил этадиган «Мулк, бино ва иншоотлар», «Машина ва асбоб-ускуналар» каби активларнинг тавсифи, таннархини ҳисоблаш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттириш масалаларига тўхталиб ўтамиз<sup>15</sup>.


Асосий воситаларнинг МҲХС бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, активлар қиймати ва мажбуриятлари, уларнинг унумли фойдаланиш муддати, қадрсизланиш қийматини аниқлаш, оборотдан ташқари активларга амортизация (эскириш) ҳисоблаш усулини белгилаш, қурилиш пудрати шартномаси бўйича қийматни аниқлаш бизнес учун муҳим аҳамиятга эга.

16-БҲХСга мувофиқ, асосий воситалар қуйидаги талабга жавоб бериши лозим:

корхона томонидан ушбу активларни келажакда сотилиши кутилмаса;  
ташкilot ушбу объект билан боғлиқ келажакда иқтисодий фойда олиши мумкин деб топилса;

12 ойдан ортиқ муддатда фойдаланилиши кутилса;  
товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки етказиб беришда, бошқа пудратчиларга лизингга беришда ёки бошқарув мақсадларида фойдаланилганда.

Асосий воситаларни ҳисобга олишда ҳам 16-сон БҲХС, ҳам 5-сон БҲМСда белгиланган тўртта масала: активни тан олиш, баланс қийматини аниқлаш, эскиришни ҳисоблаш усулини белгилаш ва қадрсизланиш натижасининг зарар жиб тан олиниши (3-расм).




**3-расм. Мулк, машиналар ва асбоб ускуналарни ҳисобга олишнинг асосий тамойиллари.**

21-сонли БҲМС 26-бандида ҳокимият тасарруфидаги умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ва шаҳар ободонлаштириш иншоотларига амортизация ҳисобланмаслиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 306-моддаси 2-қисмининг 1-бандида кўрсатилган ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар); 6-бандида кўрсатилган моддий-маданий мерос объектлари; 7-бандида кўрсатилган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлкалар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган ободонлаштириш иншоотларига амортизация (эскириш) ҳисобланмаслиги қайд этилган. Объектларга амортизация ҳисобланмаслиги уларнинг моддий ҳолати бузилишига,

<sup>15</sup> Anthony, Robert Newton. Accounting principles /Robert N. Anthony, James S. Reece, D.B.A. – 7th edition, Irwin, 1995. 686 p.

таъмирланмаслигига, йўқ бўлиб кетишига, қаровсиз ҳолатга келишига олиб келади. Бу объектларнинг қиймати инфляция ёки тикланиш қиймати натижасида кескин ошади. Давлат тасарруфидаги йўллар, номинал қийматда қайд этилади ва эътибордан четда қолади.

Бундай воқелик асосий воситаларнинг актив талабларига жавоб бермаслиги оқибатида келиб чиқмоқда. Чунончи, маданий мерос объектлари ЮНЕСКО ҳимоясида бўлсагина уларни асраб-авайлаш мумкин. Шунингдек мулк, машиналар ва асбоб ускуналар МХХС буйича актив сифатида тан олиниш параметрларига жавоб бермайди.



**4-расм. Асосий воситаларни актив сифатида тан олиш шартлари<sup>16</sup>**

Асосий воситаларни актив сифатида тан олиш шартлари 4-расмда келтирилган. Халқаро ва миллий стандартларда, яъни 16 БҲХС «Мулк, машиналар ва асбоб-ускуналар» ва 5-сонли БҲМС «Асосий воситалар»да моддий активларга берилган таърифлар бир-биридан кескин фарқ қилади. Буни 2-жадвалда кўриш мумкин.

Шундай қилиб, 5-сонли БҲМСга асосан асосий воситалар унумли хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлиши ва базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан ортиқ қийматда бўлиши керак. 16-БҲХС-МХХСда бундай қиймат чегараси қўйилмаган. Асосий воситалар тан олиниши учун улар активлар талабига жавоб бериши, яъни келгусида фойда олиб келиши ва корхона томонидан сотилишга мўлжалланмаслиги лозим. Актив 12 ойдан ортиқ муддатда хизмат қилиши лозим – биргина шу талаб икки стандартда ўхшашлигини кўришимиз мумкин. Шунинг ўзи «Асосий воситалар» ёки «Мулк, машина ва асбоб ускуналар» – узоқ муддатли актив эканлигини тасдиқлайди.

<sup>16</sup> Монографик тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.



**16-БҲХС «Мулк, машиналар ва асбоб-ускуналар» ва 5-БҲМС «Асосий воситалар» ларнинг активни тан олишдаги фарқли жиҳатлари**<sup>17</sup>

Меъёрий хужжат	16-БҲХС	5 -БҲМС
Стандарт номи	<b>Property, Plant and Equipment - Мулк, машиналар ва ускуналар</b>	<b>Асосий воситалар</b>
Актив	<b>Моддий актив</b>	<b>Моддий актив</b>
<b>Актив сифатида тан олиниши</b>	Ташкилот ушбу объект билан боғлиқ келажакда иқтисодий фойда олиши мумкин деб топилса	✗
	12 ойдан ортиқ муддатда фойдаланилиши кутилса	12 ойдан ортиқ муддатда фойдаланилиши кутилса
	Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки етказиб беришда, бошқа пудратчиларга лизинг беришда ёки бошқарув мақсадларида фойдаланиш	✗
	Корхона томонидан ушбу активларни келажакда сотилиш кутилмаса	✗
	✗	Базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар
	✗	Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни мулк, машиналар ва асбоб ускуналар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилаш ҳуқуқига эга

Ушбу таҳлилларни умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак, **16 БҲХС** «Мулк, машиналар ва Ускуналар» стандарти бошқа стандартлар қаторида, Ўзбекистонда расман норматив-ҳуқуқий хужжатлар асосида қабул қилиниши лозим. Глобал интеграциялашув даврида стандартнинг нафақат номи, балки таркибий терминалогиясига ҳам аниқлик киритиш керак. Бироқ халқаро стандарт кўрсаткичларини Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда БҲМСга яқинлаштириш лозим.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва уни халқаро стандартларга мослаштириш масалалари**» деб номланиб, ушбу бобда мулк, завод, машина ва асбоб ускуналарни давомий

<sup>17</sup> 5-сонли БҲМС ва 16-сонли БҲХС асосида тузилган.

қайта баҳолаш ва унинг натижаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, асосий воситаларнинг қадрсизланишидан зарар ва унинг қийматини ҳисоботларда қайд қилиш ҳамда «Мулк, машина ва асбоб-ускуналарнинг ҳаракати тўғрисида»ги ҳисобот масалалари тадқиқ қилинган.

16-сонли БҲХСда қуйидагича таъриф берилган: **«мулк, машина ва ускуналар»** – бу:

компания томонидан ишлаб чиқариш ёки товарларни жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ижарага беришда ёки маъмурий мақсадларда;

бир даврдан ортиқ фойдаланиладиган моддий активлар.

16-сонли БҲХС «Мулк, машина ва ускуналар» (ММУ)да давомий баҳолаш учун иккита моделдан фойдаланишни кўзда тутди:

бошланғич қиймат бўйича ҳисобга олиш модели;

қайта баҳоланган қиймати бўйича ҳисобга олиш модели.

ММУлар жамғарилган амортизация ва жамғарилган қадрсизланишдан зарар суммаси чегирилган бошланғич қиймати бўйича акс эттирилади. Бу ММУларнинг баланс қиймати ёки қолдиқ қиймати деб аталади.

Шу ерда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бизнинг амалиётда асосий воситаларнинг бошланғич қийматидан жамғарилган амортизация чегирилса-да, аммо жамғарилган қадрсизланишдан зарар суммаси чегирилмайди. Шу боис, бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида албатта жамғарилган қадрсизланишдан зарарни ҳисобга олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

16-сон БҲХСнинг 16 ва 17-бандларига мувофиқ, ММУлар актив сифатида тан олинганда **«Мулк, машина ва асбоб-ускуналар»** объектларининг таннархи қуйидагиларни ўз ичига олади:

(а) харид нархи, шу жумладан импорт божи, сотиб олишдаги қайтарилмайдиган солиқлар, савдо чегирмалари ва қопламаларини чегирган ҳолда;

(б) активларни керакли жойга етказиш ва ташкилот раҳбарияти кўзда тутган мақсадга мувофиқ ҳолда ишлатилишини таъминловчи ҳолатга келтиришга оид ҳар қандай тўғридан-тўғри харажатлар;

(с) асосий воситалар объектини демонтаж қилиб ва чиқариб ташлаш, у эгаллаган участкада табиий ресурсларни тиклашга харажатларнинг дастлабки баҳоси, уларга нисбатан бундай мажбуриятни корхона ўз зиммасига ё бу объектни сотиб олаётганда ёки ундан маълум бир давр ичида захираларни яратиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиши оқибатида олади.

Тўғридан-тўғри харажатларга қуйидагилар киради:

асосий воситаларни яратиш, сотиб олиш ёки харид қилиш билан бевосита боғлиқ ходимларни рағбатлантириш харажатлари;

асосий воситаларни ўрнатишга мўлжалланган майдонни тайёрлаш харажатлари;

ортиш ва тушириш харажатлари;

монтаж қилиш ва ўрнатиш харажатлари;

асбоб-ускуналарни тестдан ўтказиш харажатлари (актив керакли жойга етказиб берилиши ва ишчи ҳолатга келтирилиши жараёнида яратилган буюмларни сотишдан олинган соф фойдани чегирган ҳолда);

кўрсатилган профессионал хизматлар қиймати.

ММУлар қайта баҳоланган қиймати бўйича ҳисобга олинганда қуйидаги стандарт қоидаларга амалга қилиниши талаб этилади (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Мулк, машина ва асбоб-ускуналарни қайта баҳоланган қиймати бўйича акс эттириш тартиб тамойиллари<sup>18</sup>

т.р	Қоидалар	Асос
1	ММУларнинг адолатли (ҳаққоний) қийматини аниқлаш имконияти бўлиши керак	16-сон БҲХС 31-банди
2.	ММУларнинг баланс ва адолатли (ҳаққоний) қиймати ўртасида жиддий фарқ юзага келмаслиги учун қайта баҳолаш етарли даражада мунтазам ўтказилиши керак. Уни ўтказиш сони адолатли қийматининг ўзгаришига боғлиқ бўлади	16-сон БҲХС 34-банди
3.	ММУларнинг адолатли (ҳаққоний) қиймати ҳисобот санасига мувофиқ келиши керак	16-сон БҲХС 31-банди
4.	Ер, завод, бинолар бўйича адолатли (ҳаққоний) қиймати профессионал баҳолаш ташкилотлари томонидан аниқланган бозор қийматига мувофиқ келади. Машина ва асбоб-ускуналар бўйича адолатли (ҳаққоний) қиймати сифатида одатда бозор нархларидан фойдаланади	13-сон БҲХС 16-банди
5.	Қайта баҳолаш амалга оширилганда жамғарилган амортизация ва жамғарилган кадрсизланишдан зарар суммаси тўлиқ асосий воситаларнинг бошланғич қийматининг камайишига олиб борилади, кейин эса ушбу сумма шундай қайта баҳоланадигани унинг қиймати адолатли (ҳаққоний) қийматига тенг бўлиши керак	16-сон БҲХС 35-банди
6.	Адолатли (ҳаққоний) қийматини аниқлаш имконияти бўлмаган ММУлар бўйича амортизация суммасига тузатиш қиймати асосида аниқлашга рухсат берилади. Бунда ҳаққоний қиймати бошланғич қийматидан жамғарилган амортизацияни айиргандан кейинги қийматини акс эттириш керак	13-сон БҲХС 3 ва 16-бандлари
7.	Агарда ММУларнинг алоҳида объектлари қайта баҳоланса, у ҳолда ушбу объект мансуб бўлган синфдаги бошқа барча ММУлар ҳам қайта баҳоланиши талаб этилади.	16-сон БҲХС 36-банди

Ушбу қоидаларда таъкидланганидек, ММУларнинг адолатли (ҳаққоний) қиймати жиддий ўзгарган тақдирда улар қайта баҳоланиши керак. Активларнинг адолатли (ҳаққоний) қийматини аниқлаш 13-сон БҲХС «Адолатли (ҳаққоний) қийматда баҳолаш» стандартида белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Ушбу Халқаро стандартлар белгилаган қоидаларни амалиётимизда белгиланган қоидаларга таққослайдиган бўлсак, Халқаро стандарт ММУларни қайта баҳолашни корхонанинг ўзига мустақил

<sup>18</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

